

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
15-iyul

CHORSHANBA

№ 56-57 (13917-18)

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

БЕКОБОД ШАҲРИ ЯНАДА ОБОД ВА
ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАСКАНГА АЙЛНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрига ташриф буюриб, Ўзбекистон металлургия комбинатида амалга оширилаётган ишлар ва янги лойиҳалар билан танишди. Шунингдек, мамлакатимизда қора металлургия саноатини янада ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳрига электропоездда келди.

Президентимизнинг 2025 йил 27 декабрда қабул қилинган "2030 йилга қадар темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ҳудудларда транспорт инфратузилмаси янгиланиб, маҳаллий қатновлар

кенгайтирилмоқда. Натижада аҳоли учун қулай ва сифатли транспорт хизматлари йўлга қўйилмоқда.

Бекобод вокзалида Президентимизга пойтахт ва мазкур шаҳарни боғловчи йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

192 километрлик "Тошкент — Бекобод" темир йўл қатнови кунига

қарийб минг нафар, йилига эса 300 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиши режалаштирилган. Эндиликда унда олти вагондан иборат, 586 нафар йўловчига мўлжалланган электропоезд соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланади. Бу, айниқса, ҳар кун иш ва ўқишга қатнайдиган фуқаролар учун қўшимча қулайлик яратди.

Электропоездда йўловчилар учун барча зарур шароитлар яратилган. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар ўрнатилган. Вагонлар кондиционер ва иситиш тизимлари, қомпоқ ўриндиклар, USB қувватлаш нуқталари ҳамда Wi-Fi тармоғи билан жиҳозланган. Шунингдек, видеокузатув тизимлари, электрон ахборот таблолари ва велосипедлар учун махсус жойлар мавжуд.

Тезкор электропоезднинг қатновга қўйилиши автомобиль йўлларидаги транспорт юкласини камайтириш ва экологик тоза транспорт улушини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш, йўловчилар учун шароитларни яхшилаш, тармоқларни электрлаштириш ва темир йўлларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Примкулова Дилноза Фарход қизини
Зулфия номидаги Давлат мукофоти
билан тақдирлаш тўғрисида

Янги Ўзбекистон ёшлари ўртасида ўзининг тиришқоқлиги, билим ва малакаси, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик фазилатлари билан ўрнатилган, мамлакатимизда металлургия соҳасини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, саноатда хотин-қизлар иштирокини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, шунингдек, китобхонлик умуммиллий ҳаракатида фаол иштирок этаётгани, адабиёт соҳасидаги ижод намуналари билан жамиятимизнинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, эзулик ва инсонийликни тарғиб қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани учун "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг қуёв-прокатлаш мажмуаси мутахассиси Примкулова Дилноза Фарход қизи Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЙИРИК КОМПАНИЯ ВАКИЛЛАРИ —
ВИЛОЯТИМИЗДА

Тошкент вилояти ҳокими
Зойир Мирзаев бугун Буюк Британия-
нинг дунёга машҳур "Agur" компания-
си вакиллари қабул қилди.

▼ Ҳамкорлик

3



▼ Фармон ва ижро

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА
ИМКОНИЯТЛАР

Бугунги кунда солиқ тизимини такомиллаштириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида изчил давом эттирилмоқда. Солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, тадбиркорлар учун ортқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган чоралар кичик бизнес ривожига кенг йўл очмоқда.

Бу йўлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 майда қабул қилинган "Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат кичик бизнесни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

4

▼ Ўзтироф

Бекобод шаҳри азалдан олов ва темир билан ошно одамлари, меҳнатни эътиқод деб билган инсонлари билан танилган. Бу заминда қайнаган пўлат билан бирга инсонларнинг иродаси ҳам тобланади. Бу ерда меҳнат фақат касб эмас, авлоддан-авлодга ўтадиган қадриятдир.

Жорий ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига ташриф буюриб, Ўзбекистон металлургия комбинатида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, янги инвестиция лойиҳалари ва қора металлургия саноатини ривожлантириш истиқболлари билан танишди. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда давлат арбоблари, соҳа мутахассислари, меҳнат фахрийлари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этишди.

Йиғилишда кўпчилиكنинг эътибори оқсоқоллар қаторида ўтирган отахонга тушди. Чехрасида йиллар меҳнати акс этган, аммо кўзлари чакнаб турган бу инсон Ҳамид ота Андаев эди. Унинг ҳаётини бир сўз билан таърифлаш мумкин: Садоқат.

1930 йилда Тожикистон Республикасининг Гончи кишлоғида туғилган Ҳамид ота ёшлигидан меҳнатда тобланиб улғайди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1955 йилда ҳозирги Ўзбекистон металлургия комбинатининг 1-прокат цехига ишга кирди. Ўша кундан бошлаб қарийб ярим аср давомида унинг ҳаёти заводнинг қизиган прокат дастгоҳлари, эриган пўлат ҳарорати билан чамбарчас боғланди. У ҳар кун ишга шунчаки вазифасини бажариш учун эмас, мамлакат саноатининг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш учун келарди. Шунинг учун ҳам у ёшларга устоз, жамоага суянч, касбдошларига ибрат бўлиб келди.

МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН
Ҳамид ота

3

Шунингдек, давлатимиз раҳбари воқзал инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш сифати ва йўловчилар ҳаракатини самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинатида барпо этилган янги Қуюв-прокатлаш мажмуасини ишга тушириш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари комбинат жамоаси, меҳнат фахрийлари ва хорижий ҳамкорларни ўшбу муҳим воқеа билан табриклади.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда кон-металлургия соҳасини янги технологик босқичга олиб чиқиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган ўн йилда соҳага қарийб 2 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 31 та йирик ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани натижасида тармоқда фаолият юритаётган корхоналарнинг сони 150 тадан ошди.

минг тоннадан 500 минг тоннагача оширилади.

Жорий йилнинг ўзида мазкур саноат паркида катта диаметрли куворлар, кўтарма кранлар ва фильрлаш ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 70 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа бошланади. Уларнинг амалга оширилиши натижасида яна 660 та юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Президентимиз металлургия оғир, аммо шарафли соҳа эканини таъкидлаб, комбинат ишчи-ходимларининг машаққатли ва фидойи меҳнати юксак ҳурмат ҳамда таҳсинга сазоворлигини қайд этди.

Салкам бир асрлик тарихга эга комбинатда устоз-шогирд анъанаси асосида фаолият юритаётган мутахассисларнинг билими, тажрибаси ва касбий салоҳияти кўплаб меҳнат жамоалари учун чинакам намуна экани таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, Қуюв-прокатлаш мажмуаси фаолиятига старт берди.

Соҳа фахрийлари, комбинат ходимлари

жири, республикада ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тавсия этиладиган маҳсулотлар хусусида ахборот берилди.

Қурилишда арматура маҳсулотининг муомаласини тартибга солиш, қурилиш объектларида қора металл прокатининг қўлланилиши устидан назорат ва сейсмик хавфни камайтириш бўйича амалий ишлар тушунтирилди.

Шу ерда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон металлургия комбинатида қора металлургия саноатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари қора металлургия қурилиш, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, машинасозлик, энергетика ва электротехника каби жами 50 миллиард долларлик иқтисодиёт тармоқлари учун асосий хом ашёлардан бири эканини таъкидлади.

Иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиб, ялпи ички маҳсулотни 2030 йилда 240 миллиард долларга етказиш учун йилига камда 8-9 фоизли

ўрнатиш учун Ҳукуматда алоҳида Лойиҳа офиси ташкил этилади. 1 августдан “Е-лом” электрон платформасини ишга тушириб, қора металл айланмасини назоратга олиш топширилди.

Мамлакатимизда 1,5 миллиард тонна темир руда захираси мавжуд. “Сурун-ота” конидан йилига 650 минг тонна темир хом ашёсини олиш бўйича хитойлик ҳамкорлар билан келишувга эришилган. Шунингдек, “Тебинбулоқ” конини ишга тушириш орқали йилига 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш имкони яратилиши, Тожикистон металлургия комбинатидан йилига 700 минг тонна темир хом ашёсини олиб келиш бўйича шартнома-ни расмийлаштиришни тезлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йирик хусусий корхоналар геология-қидирув ишлари, конлардан хом ашё қазиб олиш ва тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ технологик занжирни ташкил этишга тайёр экани таъкидланиб, бунинг учун уларга шaroит яратиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари темир сифатини ошириш учун марганец ва ферроси-

Металлургия саноатига “ақл маркази” сифатида Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази белгиланди. Шунингдек, соҳага Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларининг илмий марказлари, Ўзбекистон технологик металлур комбинатининг “Ўзбекистон – Корея” илмий-технологик маркази, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Олмалиқ давлат техника институти ҳамда “Москва пўлат ва қоришмалар институти”нинг Олмалиқ филиали бириктирилди.

Ўшбу илмий муассасалар ва олийгоҳлар янги турдаги материалларга талабни, уни қоплаш учун қайси ҳудудда қандай лойиҳа қилиш ва қандай технологиядан фойдаланиш зарурлигини, қайси йўналишларда кадр тайёрлаш кераклигини таҳлил қилади. Ҳар бир ҳудуд кесимида бир йиллик, уч йиллик ва беш йиллик дастурлар ишлаб чиқилади.

Янги ўқув йилидан Бекобод комбинатида қора металлургия бўйича кафедра очилиб, дуал таълим йўлга қўйилади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказига металлургия соҳасидаги муаммоларни бир жойга жамлайдиган рақамли платформани ишга тушириш топширилди. Илмий ишланмаларни молиялаштириш ва амалиётга жорий қилиш бўйича венчур фонд ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари соҳада “технологик сакраш” қилиш зарурлигини таъкидлаб, қора металлургияда хом ашё базасини кенгайтириш, импортга қарамликни камайтириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш, янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳамда хусусий сектор билан кооперацияни кучайтиришни асосий вазифалар сифатида белгилаб берди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига ташрифи давомида “Хос ёз” канали бўйи ва “Дўстлик” маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди.

Бир пайтлар эътибордан четда қолган, қаровсиз ва тартибсиз бўлган “Хос ёз” каналининг бўйи бугун шаҳарнинг энг гўзал гўшасига айланди. Эндиликда маҳаллалар яқинида барча қулайликларга эга замонавий экологик макон пайдо бўлди.

Ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича мастер-режа доирасида 3 километр узунликда махсус пиёдалар йўлагини 5,4 километрлик мустақкам тўсиқлар қурилди, 2 та кўприк қад ростлади. Шунингдек, лойиҳа натижасида сохил бўйида 27 та янги савдо ва замонавий хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилиб, 167 та янги доимий иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт билан шуғулланаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

“Дўстлик” маҳалласи ҳудуди ҳозир 28 гектарни ташкил этади. Бу ерда 33 та кўп қаватли уй, хусусий мактабгача таълим ташкилоти, футбол майдони, 16 та спорт ва болалар майдончаси ҳамда кутубхона мавжуд.

Жорий йилда табдиркорлар томонидан 1,1 миллиард сўм инвестиция киритилиб, 10 та хизмат кўрсатиш объекти ва 1 та умумий овқатланиш шохобчаси ташкил этилди. Натижада 25 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ташаббускорлар маблаглари ҳисобидан “Ватанпарвар боғи” ҳам барпо қилинди. Унда ҳарбий-техника намуналари ўрнатилиб, хизмат кўрсатиш объектлари қурилди.

“Ташаббусли бюджет” маблаглари ҳисобидан маҳалла ҳудудида Бекобод шаҳри музейи ташкил этилди. Маҳаллада нурунийлар ва меҳнат фахрийларининг дам олиши, учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда маънавий-маърифий табдирлар ўтказиш учун ёғоч конструкцияли ёзги шийпон қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди. Маҳалла фаоллари ва меҳнат фахрийлари билан самимий мулоқот қилди.

– Барча амалга ошираётган ишларимиз, барпо этилаётган объектаримиз ва лойиҳаларимиз, аввало, аҳолига хизмат қилиши, инсонлар ҳаётини яхшилаши керак. Одамлар ўз маҳалласида, шаҳрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, уларнинг самарасини кундалик ҳаётида кўриши керак.

Ҳар сафар ҳудудларга келганимизда инсонлар Янги Ўзбекистон ислохотларининг нафасини, унинг янгилигини ва тараққиёт шабодасини ҳис этиши зарур. Бекобод шаҳри ҳам ўзининг меҳнаткаш ва фидойи аҳолиси, иқтидорли ёшлари, ҳаёт тажрибасига эга нурунийлари билан янада обод ва тараққий этган масканга айланиши керак.

Биз ёшларимизнинг орзу интилишлари, нурунийларимизнинг эзгу ният ва мақсадлари рўёбга чиқиши учун барча имкониятларни сафарбар этамиз, – деди Президентимиз.

Шу билан Президентимизнинг Бекободга сафари аяқуналди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АББАЛБЕКОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Мархаба ҲОЖИАКБАРОВА,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

БЕКОБОД ШАҲРИ ЯНАДА ОБОД ВА ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАСКАНГА АЙЛАНАДИ

Шу даврда маҳаллий металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 3 миллион тоннага, қиймати эса 23 триллион сўмга етди. Таққослаш учун 2016 йилда 1,5 триллион сўмлик 800 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Илгари асосан қурилиш соҳаси учун металл прокат етказиб берган тармоқ бугунги кунда машинасозлик, электротехника, мудофаа саноати ва энергетика каби тез ривожланаётган йўналишлар учун 80 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Президентимиз металлурлар меҳнати Янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яратиш, йирик бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутшини таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, ялпи ички маҳсулот ҳажминини 2030 йилга бориб, 240 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Келгуси беш йилда иқтисодиётга 180 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш, 27 миллиард долларлик ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш, 800 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш режалаштирилган.

Бундай улкан марралар металл маҳсулотларига бўлган талабни ҳозиргига нисбатан 1,5 баробар оширади.

Шу маънода, 5,5 минг нафардан зиёд аҳил ва фидойи меҳнат жамоасига эга Ўзбекистон металлургия комбинатининг алоҳида ўрни борлиги қайд этилди.

Янги Қуюв-прокатлаш мажмуаси комбинатда энергия тежамкор технологиялар ва рақамли ечимларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишда янги даврни бошлаб беради.

Мазкур мажмуа мамлакатимизда иссиқ прокатланган пўлат листлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи лойиҳа сифатида тарихдан жой олади.

Унинг ишга туширилиши натижасида йилига 8 триллион сўмлик 1 миллион тонна иссиқ прокатланган пўлат лист ишлаб чиқарилади. Тошкент ва Самарқанд металлургия заводларининг прокат листларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланади. Шунингдек, 1 минг 200 та юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуани барпо этишда иштирок этган қурувчи ва муҳандислар, технолог ва машинистлар, ишчи-ходимлар, меҳнат фахрийлари ҳамда хорижий ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон металлургия комбинатини янада ривожлантириш бўйича келгуси режалар ҳам белгилаб берилди.

Комбинатнинг хом ашёга бўлган талабни маҳаллий ресурслар ҳисобидан таъминлаш энг устувор вазифа бўлиши таъкидланди. Мамлакатимиз ҳудудларида 1,5 миллиард тонна темир рудаси захираси мавжуд.

Яқин уч-тўрт йилда “Тебинбулоқ” конини ишга тушириш орқали йилига 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш режалаштирилган.

“Сурун-ота” конидаги маъданларни бойитиш натижасида эса йилига 600 минг тонна темир хом ашёси олиш йўлга қўйилади. Ўшбу хом ашёни қайта ишлаш учун комбинатда қиймати 180 миллион долларлик замонавий металлургия заводи қурилиши бошланади.

Келгуси уч йилда 30 миллион доллар инвестиция ҳисобига пўлат шарлар ишлаб чиқариш линияларини босқичма-босқич модернизация қилиниб, уларнинг қуввати 250

(Давоми. Бошланиши 1-сahифада)

ҳамда хорижий ҳамкорлар билан мулоқот қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон металлургия комбинати Қуюв-прокатлаш мажмуасининг ягона бошқарув пулти орқали метални прокатлаш жараёнларини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда комбинатни модернизация қилиш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада комбинатнинг соф фойдаси 2017 йилдаги 14 миллион доллардан 2025 йилга келиб, 23 миллион долларга етган.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 29 август куни Бекободга ташрифи чоғида Қуюв-прокатлаш мажмуаси қурилиши лойиҳасига тамал тошини қўйган эди.



Лойиҳанинг умумий қиймати 839 миллион долларни ташкил этади. 18 гектар майдонда барпо этилган мазкур стратегик аҳамиятга эга мажмуа мамлакатимизда металл маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллион тоннага етказиш, қўшимча равишда 1,04 миллион тонна ўрамли пўлат лист прокати ишлаб чиқариш ва комбинатдаги жами иш ўринларини 7 мингтага етказиш режалаштирилган.

Мажмуада Италиянинг “Danieli” компанияси тажрибаси асосида илк бор узлуqsиз пўлат қуйиш ускунаси бошқа барча технологик жиҳозлар билан интеграция қилиниб, ягона бошқарув пулти орқали бошқарилмоқда.

Аввалги технологияларда 4-5 та бошқарув пултидан фойдаланилган ва уларда 9 нафар ходим меҳнат қилган бўлса, бугунги кунда ягона бошқарув тизими орқали жараёни атиги 3 нафар мутахассис назорат қиляпти.

Президентимиз ягона бошқарув тизмига сунъий интеллект технологияларини жорий этиб, мажмуанинг барқарорлиги ва иқтисодий самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ускуналарнинг хавфсизлиги ва тезкорлиги бўйича мазкур мажмуа Марказий Осиёда ўзига хос ва муқобили йўқ лойиҳа ҳисобланади. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмаган ҳолда инсон омили иштирокисиз асосий валларни аввалги 30-40 дақиқа ўрнига атиги 5-7 дақиқада автоматик равишда алмаштириш имконияти яратилган.

Президентимиз лист прокатидан тайёрланган маҳсулотларнинг намуналарини ҳам кўздан кечирди.

Мутасаддиларнинг ахборотлари ҳам тингланди. Хусусан, иссиқ прокатланган лист маҳсулотлари қўшилган қиймат зан-



лиций хом ашёсига ҳам талаб ортишини таъкидлади. Мутасаддиларга истиқболли майдонларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, темир ва уни бойитишга зарур минераллар захирасини кўпайтириш бўйича геология дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Металлургия соҳасида 150 га яқин ўрта ва кичик хусусий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларни хом ашё бажарор таъминлаш мақсадида четдан хом ашёни марказлашган ҳолда олиб келиш бўйича алоҳида компания ташкил этилади. Ўшбу компанияга 200 миллион доллар ажратилади, импорт хом ашё фақат биржа орқали сотилади.

Йиғилишда металл маҳсулотлари асортиментини кенгайтириш, йирик комбинатлар ва хусусий корхоналар ўртасида кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун ишга туширилган Қуюв-прокатлаш мажмуаси ҳисобига автомобилсозлик, махсус транспорт, технологик ускуналар, маиший ва қишлоқ ҳўжалиги техникалари, қурилиш материаллари соҳаларида 1,5 миллиард долларлик маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти яратилмоқда.

Мутасаддиларга чоксиз кувор, совуқ прокат, метални 3D усулда босиб чиқариш ва юқори аниқликда ишлов бериш бўйича лойиҳалар тўпламини тайёрлаш топширилди.

Бекобод металлургия комбинатидаги 90 гектар майдонда тайёр инфратузилмага эга “Ўзбекистон экологик технологиялар саноат парк” ташкил этилади. У ерда қора металлур бўйича R&D маркази ва халқаро сертификат берадиган замонавий лаборатория ишга туширилади.

Шунингдек, Самарқанд, Жиззах, Наманган ва Сирдарёдаги йирик металлургия корхоналари атрофида жами 100 миллион долларлик кооперация лойиҳалари дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ҳудудларда қўшилган қиймат занжирини кенгайтириш ва янги маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга хизмат қилади.

Йиғилишда металлургия саноатида рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида сунъий интеллект орқали операцион харажатлар, таннарх ва энергия сарфини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича натижалар борлиги қайд этилди.

Металлургия корхоналарида сунъий интеллект ва рақамлаштириш орқали ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини 20 фоизга ошириш, таннарх 10 фоиз, энергия сарфини 15 фоиз, техник хизмат харажати ва технологик узлишларни 20 фоизга қисқартириш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЕКОБОД ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросида йўл қўйилган камчиликлар ва навбатдаги муҳим вазифалар юзасидан таҳлилий маъруза қилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Шаҳар ҳокими лавозимида иш-

лаб келган Бабаев Насрулла Нурил-лаевич эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Зойир Мирзаев Бекобод шаҳар ҳокими лавозимига Исмоилов Наримонжон Нўмонович номзодини тавсия қилди.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан Н. Исмоилов Бекобод шаҳри ҳокими этиб тасдиқланди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросида йўл қўйилган камчиликлар ва навбатдаги муҳим вазифалар юзасидан таҳлилий маъруза қилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Туман ҳокими лавозимида иш-

лаб келган Атоуллаев Одилжон Қосимович эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Зойир Мирзаев Янгийўл тумани ҳокими лавозимига Санъатбек Шакирович Жуманиязов номзодини тавсия қилди.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан С. Жуманиязов туман ҳокими этиб тасдиқланди.

▼ Янги лойиҳа

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиқларининг иқтисодий салоҳияти ва самарадорлигини мустаҳкамлаш” лойиҳасини амалга оширмоқда.

ЛАТВИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР — БЎСТОНЛИҚДА

Лойиҳа томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиқларининг даромадларини ошириш, қишлоқ ҳудудларида бандлик имкониятларини кенгайтириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мазкур лойиҳа доирасида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходимлари ҳамда Европа Иттифоқининг Латвия Республикасидан лойиҳа раҳбари Иева Жаунземе бошчилигидаги делегация Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига ташриф буюрди.

Ташриф давомида тумандаги қишлоқ хўжалиги йўналишида амалга оширилаётган илғор тажрибалар ва мавжуд

имкониятлар билан яқиндан танишилди.

Хусусан, “Бўстонлиқ картош-качилик маркази” МЧЖда картошканинг серхосил навларини етиштириш, сақлаш ҳамда ер майдонларини такрорий экин экишга тайёрлаш жараёнлари кўздан кечирилди.

Шунингдек, “Escalodo Business” МЧЖ фаолияти мисолида малина, қулупнай ва қорағат кабин резавор меваларни етиштиришда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юқори баҳоланди.

Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати



Мулоқотда Тошкент вилоятининг иқтисодий, саноат ва туристик салоҳиятини юксалтиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Учрашув давомида вилоят ҳокими ҳудуднинг табиий имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадида Чиноз тумани, хусусан Сирдарё бўй-ларида замонавий туристик мажмуаларни барпо этиш ва

бошқа бир қанча таклифларни илгари сурди.

Маълумот ўрнида, 1946 йилда Лондонда асос солинган “Agur” компанияси лойиҳалаш ва қурилишни режалаштириш ҳамда уларни барча босқичларида бошқариш соҳаларида дунёдаги йирик муҳандислик консорсиуми ҳисобланади.

Компания дунёнинг 140 дан ортиқ давлати билан ҳамкорлик қилади ва унинг 37 та мамлакатда ўз офислари мавжуд. Ушбу бренд томонидан лойиҳалаштирилган объектлар ўзининг юқори технологик муҳандислик ечимлари ва ноёб дизайни билан машхур.

Эътиборлиси, “Agur” компанияси томонидан Ўзбекистонда ҳам бир қатор йирик лойиҳалар, хусусан, Самарқанд туризм маркази (шу жумла-

дан, Конгресс-холл ва 8 та меҳмонхона), “Tashkent city” ишбилармонлик ҳудудидаги Конгресс-холл ва “Хилтон” меҳмонхонаси, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, шунингдек, бир қатор транспорт ва энергетика инфратузилмаларини қуриш бўйича юқори даражадаги лойиҳалаш ва муҳандислик хизматлари кўрсатилган.

Самимий ва конструктив ўтган учрашув якунида томонлар “Agur” компанияси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятида йирик иншоотлар, саноат корхоналари, туристик зоналар ва энергетика соҳаларида қўша лойиҳаларни батафсил кўриб чиқиш ва тез орада навбатдаги учрашувни ўтказишга келишиб олдилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН

Ҳалим ота



лургия комбинатида меҳнат қилиб, ҳозирда нафақага чиқишган.

— Отамиз билан фахрланамиз, — дейди меҳнат фахрийси Юсуфжон Андаев. — Улардан ибрат олиб, уч ака-ука ҳам шу комбинатда меҳнат қилиб, кам бўлмадик. Отамиз жуда талабчан ва тартибли инсонлар. Биздан ҳам доим шуни талаб қи-

ладилар. “Ҳалол меҳнат қилсанг, эл ичида ҳурмат топасан”, деган гапни доим такрорлайдилар. Шунинг учун ҳам бугун фарзандлари, набира ва чеваралари ардоғида пири бадавлат бўлиб, умргузаронлик қилмоқдалар. Айниқса, Президентимиз билан учрашувдан кейин отамизнинг қувончлари чексиз

бўлди. “Меҳнатимиз унутилмаган экан”, деб кўзларига ёш олдилар. Бу эътибор нафақат отамизга, балки бутун комбинатимиз жамоасига берилган баҳодир. Шундай кунларни кўрганимиздан биз ҳам масрур-миз.

Ҳамид ота Андаевнинг умр йўли бир ҳақиқатни англатади: пўлат оловда тобланади, инсон эса меҳнатда. Ана шундай фидоий инсонлар бор экан, Бекобод металлургиянинг шонли аъёнлари, ўз касбига ҳурмати ва масъулияти келгуси авлодларга ҳам муносиб мерос бўлиб қолаверадди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида меҳнат фахрий-ларига кўрсатилган эътибор ҳам айнан шу эзгу ғоянинг амалий ифодаси бўлди. Зеро, мамлакат тараққиётига пойдевор қўйган инсонларни қадрлаган юртининг келажаги порлоқ бўлади.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири

ЖАЗИРАМАДАН САҚЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

“Ўзгидромет” маълумотига кўра, жорий ҳафтада ҳаво жуда иссиқ бўлади. Ҳарорат шимолда 41-43 даражагача, жанубда ва чўл ҳудудларда эса 44-46 даражагача кўтарилади.

▼ Кун мавзуси

Бундай об-ҳаво шароитида инсон организми қизиши, сувсизланиши, қон босими ўзгариши, юрак-қон томир тизимида ортиқча юклама тушиши, иссиқ уриши ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолига, айниқса, хавф гуруҳига кирувчи фуқароларга эҳтиёткорлик чораларига қатъий амал қилишни тавсия қилмоқда.

— Маълумки, 65 ёшдан ошган кексалар, чақалоқлар ва ёш болалар, ҳомиладор аёллар, юрак-қон томир, қандли диабет, бўйрак, нафас йўллари ва бошқа сурункали касалликларга бўлган беморлар, юқори қон босими ёки юрак дориларини, «сув ҳайдовчи», аллергияга қарши ёки психотроп препаратларини қабул қилувчилар иссиқлик таъсирига нисбатан, айниқса, заиф ҳисобланади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўлим бошлиғи Абдуқайюм Тўхтақулов. — Бу инсонларда чанқоқлик ҳисси кеч пайдо бўлиши, тана ҳароратини назорат қилиш қобилияти пассивлаши ёки сурункали касалликлар зўрайиши мумкин. Шунинг учун уларнинг ҳолатидан мунтазам хабар олиб туриш лозим. Иссиқда организм терлаш орқали кўп миқдорда суюқлик ва минерал моддаларни йўқотади. Чанқоқни кутмасдан, кун давомида оз-оздан ва тез-тез сув ичиш зарур. Катта ёшли соғлом инсонлар учун одатда кунига 2-3 литр атро-

фида суюқлик ичиш тавсия этилади. Юрак, бўйрак касалликлари ёки ишшига мойиллиги бор беморлар эса суюқлик миқдорини шифокор тавсиясига кўра белгиланса керак.

Шу боис куннинг энг иссиқ пайти — одатда соат 11:00 дан 17:00 гача — имкон қадар очик ҳавода узоқ юрмаслик тавсия этилади. Зарурат бўлмаса, бу вақтда жисмоний меҳнат билан шуғулланмаслик мақсадга мувофиқ. Кўпроқ сув истеъмол қилиш, енгил ва оч рангли кийим кийиш, бош кийим ва қуёшдан ҳимояловчи воситалардан фойдаланиш организмни ортиқча қизиқ кетишдан сақлайди.

Оғир, ёгли, қовурилган, аччиқ ва ҳазм бўлиши қийин овқатлар организмга ортиқча юклама беради. Шунинг учун сабзавотли салатлар, енгил шўрвалар, қатиқ, айрон, творог, тухум, товуқ ёки балиқ гўшти, мевалар истеъмол қилиш тавсия этилади. Кун давомида 5-6 марта оз-оздан овқатланиш мақсадга мувофиқ.

Тахминан соат 11:00 дан 17:00 гача очик қуёш остида юришни чеклаш керак. Зарур ишларни эрталаб ёки кечки салқин вақтларга қолдириш тавсия этилади. Агар кўчага чиқиш зарур бўлса, соя йўлаклардан юриш, бош кийим кийиш, ёнингизда сув олиб юриш ва ҳар 15—20 дақиқада оз-оздан сув ичиш тавсия этилади.

Ҳеч қачон болаларни, кексаларни ёки ҳайвонларни автомобиль ичида ёлғиз қолдирманг. Қуёш остида турган автомобиль ичида ҳарорат бир неча дақиқада ҳаёт учун хавфли даражагача кўтарилиши мумкин.

Аномал иссиқ фақат инсонларга эмас, балки табиатга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Яшил ҳудудлар, дарахтлар, буталар ва ниҳоллар юқори ҳарорат сабаб намликни тез йўқотади. Натижада барглarning қуриши, ёш кўчатларнинг нобуд бўлиши, ёнгин хавфининг ортиши кузатилиши мумкин. Шу сабабли дарахт ва ниҳолларни эрталаб ёки кечкурун сугориш, яшил ҳудудларга эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳам жазирамадан жиддий зарар кўриши мумкин. Тупроқдаги намликнинг камайиши ҳосилдорликка салбий таъсир қилади. Сувдан оқилона фойдаланиш, томчилатиб сугориш каби замонавий усулларни қўллаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш юқори ҳароратнинг салбий оқибатларини камайтиришга хизмат қилади.


Ҳайвонот дунёси ҳам аномал иссиқдан азият чекади. Уй ва кўча ҳайвонлари, паррандалар ҳамда ёввойи жониворлар учун сув манбаларининг камайиши уларнинг ҳаётига хавф туғдиради. Шунинг учун имкон қадар кўча ҳайвонлари учун ичимлик суви қўйиш, уларни жазирама пайтида автомобилларда қолдирмаслик, чорва моллари



учун сояли жой ва етарли миқдорда сув яратиш зарур.

Иссиқ кунларда ёнгин хавфи ҳам кескин ортади. Ўрмонлар, дала майдонлари ва қуруқ ўт-ўланлар орасида олов ёқиш, ёнаётган сигарет қолдиқларини ташлаб кетиш ёки чиқиндиларни ёқиш катта талафотларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар нафақат табиатга, балки аҳоли хавфсизлигига ҳам таҳдид солади.

Мутахассислар иссиқ уришининг дастлабки белгилари — бош айланиши, кучли ҳолсизлик, кўнгил айниши, нафас олишнинг қийинлашиши ёки тана ҳароратининг кескин кўтарилиши кузатилганда дарҳол салқин жойга ўтиш, сув ичиш ва зарурат туғилганда шифокорга мурожаат қилишни



тавсия этади. Вақтида кўрсатилган ёрдам оғир асоратларнинг олдини олади.

Бугун иқлим ўзгариши бутун дунё учун долзарб масалага айланган. Бундай шароитда ҳар бир инсоннинг оддий эҳтиёт чораларига амал қилиши, табиатга меҳр билан муносабатда бўлиши ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиши катта аҳамиятга эга.

Аномал иссиқ кунлари вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин, бироқ унинг оқибатлари узоқ давом этиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли ўз саломатлигимизни асраш, яқинларимизга ғамхўрлик қилиш, дарахт ва ниҳолларни парваришлаш, ҳайвонот дунёсига эътибор қаратиш ҳамда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Эсда тутинг: иссиқ ҳавода энг муҳим қоидалар — салқин жойда бўлиш, етарли сув ичиш, енгил кийиниш, оғир овқат ва оғир жисмоний меҳнатни чеклаш, хавф гуруҳидаги яқинлар ҳолидан хабар олиш ва хавфли белгиларда тез тиббий ёрдамга мурожаат қилишдир.

Интернет маълумотлари асосида
К.САЛОМОВА тайёрлади

– Бу фармоннинг асосий мақсади хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес вакиллари учун солиқ юкини енгиллаштириш, уларнинг фаолиятини соддалаштириш ҳамда иқтисодий ётнинг яширин секторини қисқартиришдан иборатдир, – дейди вилоят Солиқ бошқармаси давлат солиқ бош инспектори Мукамбар

ошади. Илгари йиллик айланма белгиланган меъёрдан ошиб кетиши эҳтимоли туфайли фаолиятимизни кенгайтириш борасида маълум иккиланишлар мавжуд эди. Янги фармон билан йиллик товар айланмаси чегарасининг 1 миллиард сўмдан 5 миллиард сўмгача оширилгани биз каби тадбиркорлар учун катта имконият яратди. Энди маҳсулот турлари-

ча бўлган ҚҚСнинг салбий фарқи тадбиркорнинг мурожаатисиз автоматик тартибда қайтариледи. 2027 йилдан бошлаб эса солиқ хавфи паст бўлган солиқ тўловчилар учун ҚҚСни тўлиқ автоматик қайтариш тизими жорий этилади. Бу маблағларни тезроқ тадбиркор ихтиёрига қайтаради ва уларнинг айланма маблағларини оширади. Яна бир муҳим янгилик сифа-

қўшимча имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Шу билан бирга, айрим лицензиялар, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва йигимлар соддалаштирилиб, тадбиркорларнинг маъмурий ҳамда молиявий харажатлари қисқартирилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур янгиликлар мамлакатимизда кичик бизнеснинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, янги иш ўринлари яратиш, рақобат муҳитини кучайтириш ва иқтисодиётда хусусий сектор улушини янада кўпайтиришга туртки беради.

Ушбу фармоннинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик

▼ Янги тартиб

ЕР – МУЛК ЭМАС, РИЗҚ МАНБАИ

Ер азалдан халқимиз учун барака, даромад манбаи бўлиб келган. Аммо ернинг ҳақиқий қадри унга эғалик қилишда эмас, балки ҳар қаричидан унумли фойдаланишда намоён бўлади. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотлар айнан шу тамойилни ҳаётга татбиқ этиб, деҳқон ва тадбиркорнинг ерга муносабатини тубдан ўзгартирмоқда. Энди ерга ташаббускор, меҳнаткаш ва замонавий фикрлайдиган инсон эга чиқмоқда.



Кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, балки ер муносабатларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида ердан фойдаланувчиларнинг ҳўқуқлари кенгайиб, уларнинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 апрелдаги фармони билан қишлоқ ҳўжалиги ерларини “Е-auction” электрон савдо платформаси орқали ижарага беришнинг янги тартиби жорий этилди. Мазкур механизм ердан самарали фойдаланишни таъминлаш, рақобат муҳитини кучайтириш ва ер ресурсларини ҳақиқий ташаббускорларга етказишга хизмат қилади.

Электрон аукцион орқали 49 йиллик ижара ҳўқуқини қўлга киритган фуқаро ёки тадбиркор эндиликда ўз фаолиятини мустақил режалаштириш имкониятига эга бўлади. Ёнг муҳими, қандай экин экиш, қайси нави танлаш, қандай агротехнологиядан фойдаланиш масалалари энди деҳқоннинг ўзига боғлиқ. Илгариғидек пахта ёки галла етиштириш мажбурияти мавжуд эмас. Бозор талаби ва иқтисодий манфаат қайси маҳсулотни тақозо этса, шу йўналишни танлаш мумкин.

Янги тартибнинг яна бир муҳим жиҳати – ер ижара ҳўқуқининг иқтисодий қиймати оширилганидир. Давлат рўйхатидан ўтган ижара ҳўқуқи банк ва микромолия ташкилотларидан кредит олишда гаров сифатида қабул қилиниши мумкин. Бу эса деҳқонларга маблағ жалб қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча имконият яратди.

Шунингдек, ижарага олинган ерни қонунчиликда белгиланган тартибда иккиламчи ижарага бериш ҳўқуқи ҳам жорий этилди. Бу ердан янада самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Қолаверса, ер эгасининг ҳўқуқлари сув таъминоти масаласида ҳам мустаҳкамланди. Белгиланган лимит доирасида сув билан кафолатли таъминлаш давлатнинг мажбурияти ҳисобланади. Агар бу талаб бажарилмаса ва ҳосилга зарар етса, ердан фойдаланувчи ўз ҳўқуқини суд орқали ҳимоя қилиш имконига эга.

Замонавий қишлоқ ҳўжалигини инфратузилмасиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис янги тартибда дала четларида маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, сақлаш омборлари ҳамда дала шийпонлари каби хизмат кўрсатувчи объектларни жойлаштиришга рухсат берилди. Бу етиштирилган маҳсулотни сақлаш ва бозорга етказиш жараёнини анча енгиллаштиради.

Давлат томонидан аксарият ер участкалари арзонлаштирилган бошланғич нархларда электрон савдога чиқарилаётгани ҳам тадбиркорлар учун яна бир муҳим имкониятдир. Бироқ аукцион қолиби белгиланган тўловларни ўн иш куни ичида амалга ошириш лозим. Шундан кейингина ижара ҳўқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиб, тўлиқ қонуний кучга эга бўлади.

Бугун мамлакатимизда ерга муносабат мутлақо янги мазмун касб этмоқда. Ер энди фақат ишлаб чиқариш воситаси эмас, балки иқтисодий актив, инвестиция манбаи ва тадбиркорлик ривожининг мустаҳкам пойдеворида айланмоқда. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш эса ҳар бир деҳқон ва тадбиркорнинг ташаббуси, билим ва меҳнатига боғлиқ.

Халқимизда “Ерга меҳр берсанг, ер сенга ризқ беради”, деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, ернинг ҳақиқий эгаси унинг ҳўжжати кўлида ушлаб турган эмас, балки унга меҳр қўйиб, ҳар қаричини баракага тўлдираётган инсон – мустақил деҳқондир.

Акбаржон РЎЗАЛИЕВ,
“Электрон онлайн аукционлари ташкил этиш” АЖ Тошкент вилояти бўлими ходими

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

Тожибоева. – Ёнг муҳим янгиликлардан бири сифатида 2026 йил 1 июндан 2030 йил 1 январга қадар мазкур соҳаларда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Энди ушбу тоифадаги тадбиркорлар учун қўшилган қиймат солиғининг 6 фоизлик ставкаси қўлланилади. Бундан ташқари, фойда солиғини тўлаш ҳамда айрим ҳисоботларни тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади. Бу эса тадбиркорларнинг вақт ва маблағини тежаш, бухгалтерия ҳисоби ҳамда солиқ ҳисоб-китобларини юритишни анча енгиллаштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур фармоннинг асосий ғояси кичик бизнес субъектларининг эркин ривожланишига тўсқинлик қилаётган маъмурий чекловларни қисқартириш, солиқ маъмуричилигини рақамлаштириш ва замонавий ёндашувлар асосида ташкил этишдир.

Аввалги тартибда айрим тадбиркорлар йиллик товар айланмаси белгиланган чегарадан ошиб кетмаслиги учун бизнесини суъний равишда чеклашга мажбур бўларди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий фаолликни кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатган.

– Чирчиқ шаҳрида якка тадбиркор сифатида савдо фаолияти билан шуғулланиб келамиз. Дўконимизда хариддорларга қўлайлик яратиш мақсадида замонавий онлайн-касса аппаратлари ва тўлов терминаллари ўрнатилган бўлиб, барча турдаги нақд ва нақдсиз тўловлар қабул қилинади, – дейди тадбиркор Моҳигул Шарипова. – Бугунги кунда ойлик товар айланмамиз 100 миллион сўмдан

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ни кўпайтириш, савдо ҳажмини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш бўйича аниқ режалар тузмокдамиз. Бу каби ислохотлар тадбиркорларнинг эркин ва барқарор фаолият юритиши учун мустаҳкам замин яратди.

Шунингдек, фармон билан тадбиркорларга яна бир қатор муҳим енгилликлар ҳам тақдим этилди. Жумладан, ҚҚС гувоҳномасини ўз вақтида олмаганлик учун жавобгарлик бекор қилинди ҳамда уни вақтинча тўхтатиб туриш амалиёти тугатилди.

Қолаверса, 10 миллион сўмга-

тида камерал текширув талабномаси бўйича тушунтириш ёки тузатишлар тақдим этилганидан кейин банк ҳисобварақларини автоматик тарзда қайта фаоллаштириш тартиби белгиланди. Бу эса тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ортиқча тўсикларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шунингдек, фармонда умумий овқатланиш соҳаси учун ҚҚС “кэшбек”нинг 40 фоизини қайтариш, туташ ҳудудлардан фойдаланганлик учун ижара тўловларини қайтариш, бухгалтерия ва солиқ маслаҳатчилари хизматлари учун қилинган харажатларни икки баробар миқдорда чегириш каби

БОЖХОНА НАЗОРАТИ – СИФАТ КАФОЛАТИ

Маълумки, ёзнинг жазирама кунлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорларга бир оз ноқулайликлар тугдиради. Яъни, иссиқ кунларда айрим маҳсулотлар тез айнаиди.

▼ Қарор ва ижро

Жумладан, гўшт ва гўшт маҳсулотларини маълум ҳарорат режимида сақлаш ва белгиланган муддатларда истеъмолчиларга етказиб бериш озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим талабларидан саналади. Бу талаблар бузилганда ёки юртимизга четдан кириб келган маҳсулот чегарада кўп муддат ушлаб туририлганда унинг сифати пасайиши, микробиологик хавф ортиши ҳамда истеъмол учун яроқсиз ҳолатга келиши мумкин. Бундай маҳсулотларнинг савдога чиқарилиши эса аҳоли саломатлигига жиддий хавф тугдиради, тадбиркорлар эса катта зарар кўришади.

Шу боис жаҳон амалиётида тез бузиладиган маҳсулотларни, айниқса, гўшт ва гўшт маҳсулотларини давлат чегараларида ортиқча ушлаб турмаслик, уларни тезлик билан назоратдан ўтказиш ва расмийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда ҳам товарларни божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш ҳамда тезкорлигини оширишга қаратилган

қатор қўлайликлар соҳага изчил жорий этилмоқда.

Жумладан, Тошкент вилоятидаги “С.Нажимов” ва “Ялламас” чегара божхона постларида республика-мизга олиб кирилаётган гўшт маҳсулотларини чегаранинг ўзида якуний божхона режимида тезкор расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди.

Мазкур тартибга кўра, тез бузиладиган маҳсулотлар устувор тартибда, навбатсиз божхона назоратидан ўтказилиб, чегара божхона постининг ўзидёқ эркин муомалага чиқарилади. Бу эса маҳсулотларнинг ортиқча вақт сарфламасдан ички бозорга етказилишини таъминлаб, сифатини сақлашга хизмат қилади.

Янги тартибнинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, ташувчилар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари вақт тежайди, логистика харажатлари камаяди, ортиқча бюрократик жараёнлар қисқаради. Натижада маҳсулотларнинг бозорга тез етиб бориши таъминланиб, ички бозорда барқарор таъминотни шакллантиришга ҳисса қўшилади.

Амалдаги қонунчиликка муво-

фиқ, импорт қилинаётган гўшт маҳсулотлари учун божхона божи ставкаси ноль фоиз этиб белгиланган бўлиб, импорт божи ундирилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 майда қабул қилинган қарорига мувофиқ, хорижий давлатлардан наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни мамлакатимизга олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди.

– Албатта, бу ерда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим, – дейди Тошкент вилояти божхона бошқармаси Ах-



борот хизмати раҳбари Наргиза Зухурова. – Қўлланилаётган мазкур имтиёзлар барча ҳолатларга эмас, балки белгиланган тартибда наслдор деб эътироф этилган қорамол, қўй ва эчкиларга нисбатан татбиқ этилади. Шу боис импортчилар божхона расмийлаштируви жараёнида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ваколатли органлар ёки “Ўзбекчорванасл” агентлиги томонидан берилган наслчиликка оид рухсатномалар ҳамда мувофиқлик сертификатларини тақдим этишлари шарт.

Таъкидланганидек, берилган имтиёзлар чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш, мамлакатимизда наслчиликни ошириш, фермер ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ички бозорни сифатли наслдор чорва моллари

билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Маълумот учун, жорий йилнинг дастлабки олти ойида вилоят божхона бошқармаси тасарруфидаги чегара божхона постлари орқали қиймати 104,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, 30 минг тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотлари чегаранинг ўзида якуний божхона режимида тезкор расмийлаштирилди. Бу кўрсаткичлар божхона тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ташқи савдо жараёнларини енгиллаштириш, тез бузиладиган маҳсулотларнинг сифатини сақлаш ва аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилаётганини кўрсатади.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 35 йиллиги олдида

Хар бир ҳудуд тараққиёти, аввало, инсонлар ҳаётидаги қулайлик ва фаровонлик билан ўлланади. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, қурилиш, ободонлаштириш ишлари ҳам айнан халқ манфаати ва инсон қадрини таъминлашга хизмат қилмоқда. Йиллар давомида аҳолини қийнаб келган муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал этилаётгани эса бу эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Зангиота тумани аҳолиси учун ҳам узоқ йиллар давомида қўйлаётган муҳим лойиҳалардан бири ҳаётга татбиқ этилмоқда. "С.Раҳимов – Ўртаовул" станциялари оралиғида жойлашган темир йўл кесиммасида замонавий йўл ўтказгич қурилишига старт берилди.

Мазкур ҳудудда транспорт оқимининг кўпайиши, темир йўл қатновининг жадаллашиши натижасида тирбандликлар юзга келиб, аҳоли ва ҳайдовчиларга маълум ноқулайликлар туғдириб келар эди. Энди эса узунлиги 23,6 метр бўлган замонавий йўл ўтказгич қурилиши орқали ушбу муаммолар ўз ечимини топади.

Энг муҳими, бу лойиҳа нафақат транспорт ҳаракатини енгиллаштиради, балки инсон хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Аҳолининг кўп йиллик орузи бўлган мазкур иншоот барпо этилгач, тирбандликлар камаяди, ҳаракат узлуксизлиги таъминланади ва юртдошларимиз учун янада қулай ҳамда хавфсиз шароит яратилади.

– Зангиота қишлоғида туғилиб ўсдим, – дейди меҳнат фахрийси Рамзиддин Умаров. – Темир йўл кесиммасидаги тирбандликни ҳам, у ердан ўтишда транспорт ва одамлар қандай қийналганини ҳам яхши биламан. Айниқса, ҳар кўни поезд ўтгунча узоқ кўтиш ҳолатлари кўп эди. Энг ачинарли томони, бу жойда бир неча инсон бахтсиз ҳодисага учраб, ҳаётдан кўз юмган. Ҳар сафар шу йўлдан ўтганда, "Қачон бу муаммага ечим топилаёткин?", деб ўйлардик. Бугун эса бу ерда туннель қурилиши бошланганини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Ростдан ҳам, кўп йиллик орузимиз ушалапти. Болаларимиз, ота-оналаримиз, узоқ-яқиндан келаётган фуқаролар хавфсиз ҳаракат қилади, деган ўйнинг ўзи қувонч бағишлайди. Ислохотлар учун давлатимизга раҳмат. Халқнинг дарди эшитилиб, йиллар давомида қўтилган муаммо ҳал бўляпти. Тилагимиз, юртимиз янада обод бўлаверсин.

Ҳа, бунёд этилаётган ҳар бир иншоот, қурилаётган ҳар бир йўл ва кўприк халқ фаровонлигига қаратилган эзгу ғояларнинг амалий ифодасидир. Зангиота туманидаги мазкур лойиҳа ҳам ана шундай хайрли ишлардан бири сифатида аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутди.

БУНЁДҚОРЛИКЛАР ОҒУШИДА

Мустақиллик йилларида миллий шаҳарсозлик ва бунёдқорлик анъаналари янада ривожлантирилиб, мамлакатимизда қисқа вақт ичида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада пойтахтимиздан тортиб энг чекка ҳудудларгача бўлган масканлар замонавий қиёфа касб этди. Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий қурилиш талаблари уйғунлигида барпо этилаётган иншоотлар юртимизда қурилиш соҳаси изчил тараққий этаётганининг яққол исботидир.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон-

бўлган муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий объектлар ва дам олиш ҳудудларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туман марказига назар ташласак, кейинги йилларда унинг қиёфаси тубдан ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Илгари марказий кўчалар атрофидаги эски уй-жойлар ҳудуд кўринишига салбий таъсир кўрсатган бўлса, бугун улар ўрнида замонавий ва кўркам "Eshonguzar city" мажмуаси қад ростламоқда.

Ҳозирги кунда мазкур қурилиш ҳудудининг тўққиз гектар қисмида замонавий кўп қаватли тураржой бинолари барпо этилган бўлиб, улар аҳолига барча қулайликлар-

надон фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бугун "Богзор" маҳалласи эса тумanning энг жадал ривожланган ҳудудларидан бирига айланди. Утган йили бу ерда 9 та кўп қаватли уйдаги 972 та хонадон аҳоли ихтиёрига берилган бўлса, 2026 йилда яна 35 та кўп қаватли уйдаги 3 минг 565 та хонадонни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Янги массивларда фақат уйлар қурилаётгани йўқ. Замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, хусусий мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари барпо этилмоқда. Болалар майдончалари, яшил ҳудудлар, дам олиш маскан-

доимий иш билан таъминланди.

Мажмуада миллий ва замонавий меъморчилик уйғунлашган. Соябонли ўриндиқлар, яшил ҳудудлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт иншоотлари ҳудуд кўркига кўрк қўшмоқда. Бошқарув сервис компанияси "Менинг уйим" дастури орқали аҳолига замонавий хизмат кўрсатмоқда. Ил охирига қадар бу ерда яна олти та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиб, 480 та оила янги хонадонли бўлади.

Умуман олганда, 2026 йил якунига қадар туманда 54 та замонавий кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилиб, 4 минг 965 та хонадон минглаб ои-

ларжой массиви шакллана бошлади. Корхона ишчи-хизматчилари учун 19 та кўп қаватли уй, иккита мактабгача таълим ташкилоти, битта умумий ўрта таълим мактаби ҳамда 1973 йилда кўп тармоқли шифохона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Гушт комбинати томонидан яна иккита болалар боғчаси ҳам барпо этилди. Бу эса маҳалланинг ижтимоий инфратузилмаси мустаҳкам шаклланигандан далолат беради. Шу тариқа ҳудуд «Ўзбекистон» маҳалласи номи билан танилди.

Уша йилларда бу ерда шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими, туғуруқхона ва бошқа тиббийет муассасалари фаолият кўрсатиб, кейинчалик улар туман марказига кўчирилди. Ҳозирда қишлоқ оилавий поликлиникаси фаолият кўрсатмоқда.

2010 йилда маҳаллага «Файз» номи берилди. Бу ном нафақат ҳудуднинг, балки унинг келажақдаги тараққиётининг ҳам рамзига айланди.

Кейинги йилларда бу ерда бешта янги кўп қаватли уй, йигирма бешта яқка тартибдаги тураржой қурилди. Жорий йилда эса маҳалла фуқаролар йиғини учун барча замонавий талабларга жавоб берадиган янги маъмурий бино барпо этилди.

Ички кўчалар ва пиёдалар йўлаклари тартибга келтирилди, ҳудуд чиқиндилардан тозаланиб, яшил майдонлар кенгайтирилмоқда. Манзарали дарахтлар ва турли кўчатлар экилиб, маҳалланинг экологик муҳити яхшиланди. Болалар майдончалари, дам олиш масканлари ва кўп қаватли уйлар атрофи замонавий талаблар асосида қайта жиҳозланмоқда.

Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари ҳам тўлиқ таъмирланиб, деворлари янгидан бўялди. Ҳовлилар ва кўча ёқаларидаги кичик яшил ҳудудлар бетон бордюрлар билан тартибга келтирилган. Янги лотоклар ўрнатилиши эса ёмғир сувларининг эркин оқишини таъминлаб, ҳудуднинг ташқи кўринишини янада чиройли қилди.

– Олдин маҳалла кўчалари тош-тупроқ эди, ҳозир эса текис ва шинам бўлиб қолган, – дейди шу маҳаллалик Гавҳар Шоҳамудова. – Илгари уйлар атрофи қаровсиз ҳолда бўларди, бугун эса ободонлаштирилиб, кўркам қиёфа касб этган. Болалар майдончасини айтмайсизми, ўт босиб ётарди. Ҳозир эса замонавий кўринишга келтирилиб, болалар бемалол ўйнаб-қуладиган масканга айланган. Кечки салқинда кўшнilar билан ташқарига чиқиб, мароқли суҳбат қиламиз, майдондаги кўча кутубхонадан китоблар олиб ўқиймиз. Маҳалламиздаги бундай ижобий ўзгаришларни кўриб, қалбим шукроналикка тўлади. Шу файзли ва обод кўчаларга етказганига шукр.

Гавҳар опа билан суҳбатлашганимизда яна бир қувонч билан бўлишди. Унга ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан маҳалладаги бўш турган ерга контейнер ўрнатилиб, тикув хонаси тайёрлаб берилди. Гавҳар опа уйдан узоқлашмаган ҳолда маҳалладошларини тикиш-бичиш ишларига буюртма олмоқда.

Ободонлаштириш ишлари фақат ташқи кўринишни яхшилаш билан чекланмаяпти. Санитария ва тозалик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Атроф-муҳитни озода сақлаш, яшаш учун қулай муҳит яратиш ва аҳолининг турмуш сифатини ошириш устувор вазифалардан бирига айланган.

Кўп қаватли биноларнинг ертўла қисмидан ҳам унумли фойдаланиш йўлини топишган. Тадбиркор Шохруз Абдумажидов очган тикув цехи 20 нафар маҳалла фуқаросини иш билан таъминлади. 50 миллион сўм кредит эвазига ишга тушган цехда тикилаётган эркаклар кийимлари бугун Қозғоистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Маҳалла ҳудудида фаолият бошлаган "Sahih" ўқув маркази эса фарзандларини турли тўғаракларга бермоқчи бўлган ота-оналар учун аниқ муддао бўлди.

– Уч нафар қизим бор, табиийки, уларни яхши таълим олиши, хорижий тилларни ўрганишини ис-тайман, – дейди Дилдора Арипхўжаева. – Бунинг учун узоққа бориш керак эди. Бу ҳам вақт, ҳам йўл, ҳам хавфсизлик томондан анча қийинчилик туғдирарди. Маҳалламизда ўқув маркази очилганидан жуда хурсандман. Қизим ҳозир шу ерда араб ва инглиз тилини ўрганапти. Энг муҳими, уйимизга яқин. Фарзандларимиз учун шундай имкониятлар яратилаётганидан жуда мамнуним. Олдин имконсиз туюлган нарсалар бугун маҳалламизнинг ўзида амалга ошяпти. Бунинг учун мутасаддиларга раҳмат. Илмми, билимми фарзандлар камол топиши учун яратилаётган шароитлардан барча ота-оналар мамнун.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар маҳалла аҳолисида ҳам масъулият ҳиссини кучайтирмоқда. Бугун бу ерда яшовчи 4 минг 330 нафар фуқаро амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга, ўз маҳалласи тақдирига бефарқ эмас. Аксинча, ободликни сақлаш ва янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга интилишмоқда.

Бу ёзганларимиз Зангиота туманининг бугунги ҳаётидан бир шингил, холос. Олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан янада яқинроқ танишмоқчи бўлсангиз, туманга бир келинг. Сизни Зангиота зиёратгоҳидан тортиб, туман марказининг кўркам қиёфаси, танти одамларнинг меҳмондўстлиги мафтун этмасдан қолмайди.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ҲОСИНОВ,
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган суратлар


ЗАНГИОТА: ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ



лари аҳолига янада қулай муҳит яратмоқда.

Хавфсизлик масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Ҳудудларда видеокузатув камералари ўрнатилиб, рақамли назорат тизими йўлга қўйилди. Бу эса фуқаролар тинчлиги ва жамоат тартибини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Туман марказидаги "Ойбек" маҳалласида иккита ўн қаватли тураржой биноси қурилмоқда. Йил охиригача 135 оила янги хонадонларга кўчиб қиради. "Нурафшон" маҳалласида қурилаётган тўртта 16 қаватли уй 178 та хонадонни ўз ичига олади. Улар шу йил декабрь



ойида фойдаланишга топширилади. Амир Темуր номли маҳалладаги учта 14 қаватли уйда эса 480 та хонадон барпо этилмоқда. Бу бинолар куз фаслида ўз эгаларига топширилади. "Эркин" маҳалласида ҳам қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Бу ерда иккита беш қаватли ва учта 14 қаватли уй қад ростламоқда. Жами 252 хонадондан иборат ушбу уйлар келаси йил баҳорида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, "Сортепа", "Тарнов", "Найман" ва "Тўқимачи" маҳаллаларида қурилаётган янги тураржой бинолари ҳам босқичма-босқич топширилади. Бу орқали яна 684 оила янги уйга эга бўлади.

"Навқирон" маҳалласи эса ҳақиқий замонавий тураржой мажмуасига айланмоқда. Бу ерда 15 та кўп қаватли уйда 1 минг 89 та хонадон қурилмоқда. Уйларнинг биринчи қаватида юзга яқин хизмат кўрсатиш шаҳобчаси иш бошлаб, 150 нафардан ортиқ аҳоли

ларга эшигини очди. Бу ишлар туман қиёфасини чиройли қилди, аҳолига муносиб яшаш шароитини яратиш ва келажақ авлод учун янада обод маҳаллаларни барпо этиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.


ХАР ҚАДАМДА ЎЗГАРИШЛАР

Кечагина муаммолари билан тилга олинган "Файз" маҳалласи бугун мутлақо бошқача қиёфада. Агар бугун маҳаллага йўл олсангиз, ҳар қадамда ободонлаштириш ишлари, ҳашарга чиққан одамлар, таъмирланаётган кўп қаватли уйлар ва кўкаламзорлаштирилаётган ҳудудларни кўрасиз. Бир пайтлар оғир тоифадаги маҳаллалардан бири саналган бу маскан бугун босқичма-босқич намунали маҳаллага айланиб бормоқда.

Маҳалланинг тарихи ярим асрдан зиёда бориб тақалади. 1971 йил феврал ойида ушбу ҳудудда Тошкент гушт комбинати фаолияти йўлга қўйилиши билан янги ту-

моқда. Янги тураржойлар барпо этилиб, замонавий массивлар қад ростламоқда. Улар нафақат уй-жой, балки барча қулайликлар мужассам бўлган янги ҳаёт масканига айланиб бормоқда.

Жумладан, "Аҳмад Яссавий" маҳалласида жорий йилнинг ўзида 7 та кўп қаватли уйдаги 382 та хонадон эгаларига топширилди. Яқин кўнларда "Эшонгузар" маҳалласидаги 6 та уйда 500 та, "Навқирон" маҳалласидаги 6 та кўп қаватли бинода эса 516 та хо-



ни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат пойтахтда, балки барча ҳудудлар қатори Зангиота туманида ҳам жадал сурияларда давом этмоқда. Айниқса, аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадига бир қатор маҳаллаларда янги тураржой массивларини қуриш ишлари кенг кўламли олиб борилмоқда.

Замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қурилаётган ушбу массивларда аҳоли учун зарур

Бекобод. Мехр ва металл таърифида



Элдошларим иродаси темирдан, ҳам метиндан,
Биз бирлашсак – буюк халқимиз, биргалашсак, биз – Ватан!

Бекободим, иродаси темир-бетон шаҳримсан,
Не-не ошиқ шоирларга орзу-армон шаҳримсан.

Орта қайтмас шаштларинг зўр, қарвонларинг бор бўлсин,
Темир-метин иродали сарбонларинг бор бўлсин!

Тинч бўлсин деб дунё тун-кун дуо айлар оналар,
Мамлакатга металл керак милён-милён тонналар.

Она шаҳрим, шамолларинг бағринг аро кезган дам,
Шеърим билан шамол бўлиб эсгим келар менинг ҳам.

Янги-янги уй-жойларга маҳалла-қўй тўлғуси,
Бу темирлар кўркам, маҳкам иморатлар бўлғуси.

Темир янглиг, метин янглиг яхлит бир жону танмиз,
Элдошларим, бир бўлсак биз – бир халқу бир Ватанмиз!

Шоир, сен ҳам бу ҳаётни оташ шеърларга тўлдир,
Металлургиянг шулдир! Металлургиянг шулдир!

Эгатларда қолиб кетган йилларимнинг қарзидай,
Маъданим деб, метиним деб фахрлансам арзугай.

Бизлар фарзанд ўстиргаймиз – муносиб, мутаносиб,
Ўғил – қизга муносибдир. Қиз – ўғлонга муносиб.

Ўғил-қизда келажакнинг жамолани кўргаймиз,
Бизлар Ватан ўстиргаймиз, бизлар Ватан курғаймиз.

Ўйлайманки, бир сўзимни оғир олмас шоирлар:
Замон юкин енгиллатинг, қилманг уни оғирлар.

Кўз олдимда Вақт эмас, гуррос солиб ўтар Сўз,
Давр сендан Сўз кутмоқда, замон сендан кутар Сўз.

Бир юз ўн минг эл-улуснинг кўзларига тик қараб,
Шеърлар айтсанг, юзинг ёруғ – бу не толе, не шараф!

Сизниқидир бу имконлар – ҳар бир ўғил-қизники,
Бу давронлар Сизниқидир! Бу замонлар – Сизники!

Рақам урсам – сафларингиз ўттиз мингдан зиёда,
Шундай ўғил-қизларим бор доно, зукко, озода.

Темирданмиз, пўлатданмиз, метиндан бир жону тан,
Биз бирлашсак – буюк халқимиз, биргалашсак – биз Ватан!

Эл номига келтирмоқ-чун рағбатлару раҳматлар,
Ҳали қанча меҳнат керак, ҳали қанча заҳматлар.

Қалбинг жўшар – худди металл қайнаётган кўрадир,
Ватан сендан сўз сўрайди, эл-улус сўз сўрайди.

Қурол-яроғ ўйнаб турган қаттол дунё бир тараф,
Элни китобга қайтарган инсонларга шон-шараф!

Темирқанот жўжуқларинг бургут бўлсин, сор бўлсин,
Метин иродали марди майдонларинг бор бўлсин!

Янги шаҳар, Сирдарёдан нарийғи Хўжанддир,
Темурмалик полвон келса – бу тарихий ҳужжатдир.

Давру замон солномасин тарих ўзи баҳолар,
Бунда не-не чемпионлар ўсар, не-не даҳолар.

Темир янглиг, метин янглиг бизлар бир жону танмиз,
Элдошларим, биз бирлашсак – бир халқу бир Ватанмиз.

Темирданмиз, пўлатданмиз, метинмиз – бир жон ва тан,
Биз бирлашсак – буюк халқимиз, биргалашсак, биз – Ватан!..

Сирожиқдин САЙИЙД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

▼ Зомин таассуротлари

Чой қути УСТИДА

Аҳмаджон ака Мелибоев билан Зоминда, ёш ижодкорлар семинарида учрашиб қолдик. Салкам ярим асрдан бери Тошкентда яшаётган бўлсам, шундан бери устозни биламан, тадбирларда кўраман. Деярли ҳамма асарларини ўқиганман. Дастлаб ўқиганим – "Чой қути" воқеий ҳикоялари яхши эсимда қолган.

Торгина уйча, ижод қилиш учун деярли шароит йўқ. Устоз қаердандир чой қути топиб келадилар-да, (у пайтда дўконларда енгилгина фанердан чой сақланадиган яшиқлар бўларди) шуни хонтахта ўрнида ишлатиб катта-катта асарлар ёзадилар, салмоқли ижод қиладилар. Кейинчалик ижод учун ҳамма шароитлар яратилади: янги уйлар, шинам хоналар, чироқлар, иш столлари муҳайё бўладую... лекин қани энди ўша асарлар... деган жойлари бор эди. Бизда ҳам шундай воқеалар бўлган. Шу боисми ёки асарда кульминацион нукта тўғри топилганим, ишқилиб бу ҳикоя юрагимдан қаттиқ жой олган. Ҳаётимдаги йўқчилик, борчилик, тўқчилик даврида ҳам шу воқеани ёслайвераман.

Устозни Зоминда кўрган кунимдаёқ яна шу воқеани эсладим. Ўзларига айтдим, қулишдик. Шу инсонни билганимдан бери биринчи марта бемалол гаплашиш имконияти келганидан хурсанд бўлдим.

Адабиёт, назм, "Шарқ юлдузи" журналида ишлаган йилларим, айни пайтда хизмат қилаётган ТВ "Сиёсат" студияси ҳақида ҳам узоқ гаплашдик. Ўз фикрларини бил-

дирдилар. Турсун Қоратоев, Лола Ҳотимова, Қобилбек Каримбеков, Абдурауф Қоржовов, Бобур Алихонوف каби таниқли шарҳловчилар фаолияти ҳақида кузатганларини бўлишдилар. Устозни бежизга "Архив" дейишмас экан.. Менга қараб: "Сиз ҳеч ўзгармайсиз", дедилар. Менимча, ишда, ижодда бир текис келяписиз, деган маънода айтган бўлсалар керак, шундай қабул қилдим. Айниқса, Парламентимиз фаолияти, икки палатали жараёнлар, сайловлар, сайланишлару турли йиллардаги депутатлар ҳақида эслашдик. "Парламент вақти", "Ҳаётимиз қомуси" каби кўрсатувларим ҳақидаги фикрлари жудаям қизиқиб уйғотди. Бутун диққатимни қаратиб қулоқ соқдим. Неча йиллардан бери шу кўрсатувларни тайёрлайман, тўғриси айтсам, ҳеч ким ҳали бундай саволлар ҳам бермаган, қизиқиб ҳам сўрамаган эди.

Авалло: "Нечта камера билан ишлайсиз?" – деб сўрадилар. "Битта камера билан" десам, яна сўрадилар:

– Қандай ишлайсиз, битта камера билан? Ялли мажлисларни кузатаман, биттаси бир жойдан гапиради, яна бирови бошқа жойдан. Саволини қандай оласизу, жавобини олишга қачон улгурасиз? Ёки тасвирчингиз микрофоннинг қизил чироғи ёнганидан билиб оладими?

Бу ҳақиқий профессионал журналистнинг тележурналист ҳамкасбига саволи эди. Ҳали биров бу кўрсатувнинг тайёрланиш жараёни билан қизиқиб шу пайтгача бирор марта бундай савол бермаганини юқорида айтдим. Эътибор берсангиз, ҳозир ижтимоий тармоқ ўйинчи, қушқичи,

суҳандонлару бошқа "машҳури замонлар"нинг соат неччида ухлаганию, қачон тургани, неча марта овқат еганию, кимга "маъшуқа" экани, кимдан қанақа совға ундиргани каби енгил-елпи суҳбатларга тўлиб кетган. Нимаям дердик, ҳар кимнинг кўнгли ўзида.

Биз устоз билан узоқ суҳбатлашдик, чарчаганларига қарамай вақт ажратганларидан севиндим, кейин анча яхши тақлифлар бердилар.

Ниятларимни, лойиҳаларимни эшитиб маъқулладилар, орада яна қанча саволлар туғилди.

Майли, бу ҳақда ҳали бафуржа ёзарман, балки Аҳмаджон аканинг ўзлари ҳам бир нима қораласалар керак.

Қисқаси, фикримча Зомин семинари ҳаммамизда яхши таассурот қолдирди. Шу жойда ёш ижодкорлар йигинига жуда яхши тайёргарлик қўрилганини айтишим керак.

Ёзувчилар уюшмасидагиларга алоҳида ташаккурларим. Юзга яқин ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда жонбозлик кўрсатган замондошларимга самимий олқишларим. Илоҳим, меҳнатлари зое кетмасин. Абдулла акалар, Эркин акалар, Ҳалима опалардай дарғалар чиқсин ёшларнинг ораларидан. Тилагим шу!

Кейин ҳамма Тошкентга кетди... Зомин хувиллаб қолди назаримда. Кўзлари ёниб шеър ўқиган дўстларим, устозларим, ҳамкасбларим Зоминни тарк этдилар. Олам-олам таассуротлар билан кетдилар. Мен вақтинча шу ерда қолдим. Очиғи бағрим хувиллаб қолди. Тоғларга суяниб қолдим.

Даврада ўқиган шеърларимни тоғларга қараб қайта-қайта айтдим.

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар,
Кўзимни узолмай пол қотган чоғлар.
Титратмасди кўнелимни ҳайқириқ бўлиб,
Шу пурвиқор тоғлар, шу баланд тоғлар.

Армондай ич-ичдан келар хўрсиниқ,
Бунчалар буюксиз, бунча мунаввар.
Юлдузлар, сизларга бир сўз айтардим,
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар....
(Муҳаммад Раҳмон)

Кеча "Дунё бўйлаб" телеканалидан ТВ дағи фаолиятимга бағишланган "Хотираларим" кўрсатувни эфирга узатилди. Қўриб завқландим. Муҳаррир Гулсара Соатқонова ёзиб олган эди. Ниҳоятда яхши тайёрлабди. Жамоага раҳматлар айтдим. Шу жойда Аҳмаджон акага бир оғиз вақтини билдириб қўя олмадим-да, кўрардилар, фикрларини билдирардилар, деб афсусландим. Нимагадир қўришларини жуда-жуда хоҳлагандим...

Яратганнинг қарами кенг-да, бандасини ноумид қилмайди....

Зоминда устознинг бир нарсалари эсларидан чиқиб қолди. Уни етказиб беришни мендан илтимос қилишди. Телефон қилсам, мендан олдин сўрадилар:

– Инобат, сиз ҳақингиздаги кўрсатувни кўрдим. Бошдан охиригича. Яхши тайёрлашибди. Ўзингизам кўрдингизми?

... Нимагадир кўзларимга ёш келди.

Инобат ОЙДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

▼ Ёшлар ижоди



Металлургалар –
олов фарзанди...

Олов билан тиллашар қўлим,
Темирга жон берамиз ҳар кун.
Хизматдаимиз қад ростлаётган
Ҳар бир бино, иншоот учун.

Янгилашиб борар шаҳарлар,
Янгилашиб борар бўстоним.
Темирдайин мустақкам, мағрур,
Гуллайверсин Ўзбекистоним!

Металлургалар – олов фарзанди,
Матонати – қучи, орида.
Менинг ҳам ўз ҳиссам бор бугун
Шу Ватаннинг пойдеворида.

Дилноза ПРИМКУЛОВА,
"Ўзметкомбинат" АЖ
қуюв-прокатлаш мажмуаси
мутахассиси,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳибаси



TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda" gazetalarini
tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV,
Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,
Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,
Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,
Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV,
Kumush EGAMBERDIYEVA,
Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh
muharrir:
To'xtamurod
HASANBOYEV

Navbatchi:
Nozima
RASULOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta "Toshkent haqiqati" tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 20:40. Nashr ko'rsatkichi – 205.
7 764 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-735.

Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik
kompaniyasi
bosmaxonasida
bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon
ko'chasi, 41-uy.